

Qishloq hayoti

ЯНГИ МАССИВЛАР ҚУРИШ ВА ҲУДУДЛАРНИ ОБОД ҚИЛИШ БЎЙИЧА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 2 ноябрь кuni аҳолини уй-жой билан таъминлаш ҳамда яшил майдонларни кенгайтириш чора-тадбирлари муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Бу икки масала ҳам Шавкат Мирзиёевнинг сайловдиди дастурида белгиланган муҳим вазифалардан. Халқ билан учрашувларда давлатимиз раҳбари инсон кадрини улуглаш, муносиб турмуш шароитлари яратиш асосий мақсад бўлишини айтган эди. Буларнинг бош омилли эса, аввало, уйли бўлиш, обод ва файзли яшашдир.

Сўнгги йилларда юртимизда ипотека дастурлари доирасида 140 мингдан ортиқ хонадонли уй-жойлар барпо этилди. Бу ундан олдинги йилларга қараганда 10 мартадан ҳам кўп.

Шу билан бирга, бу ишларни давом эттириш зарур. Мамлакатимизда ҳар йили 300 мингга яқин никоҳлар қайд этилмоқда. Келгуси беш йилда аҳоли сони 38 миллионга етиши кутилмоқда.

Уйлар қурилиши кўлами шунга мувофиқ кенгайтириб борилади. Ҳар бир ҳудудда барпо этиладиган "Янги Ўзбекистон" массивлари бунда муҳим ўрин тутди. Келгуси беш йилда уларда 250 мингдан зиёд оила уй билан таъминланади.

Йиғилишда шу борадаги бунёдкорлик ишларининг ташкилий, молиявий жиҳатлари муҳокама қилинди.

Президентимиз "Янги Ўзбекистон" массивлари комплекс ривожланиш тамойили асосида барпо этилиши кераклигини таъкидлади. Яъни, ҳар бир массивда саноат лойиҳалари, хизмат кўрсатиш объектлари ва ижтимоий инфратузилма бир вақтда қурилади. У ерда одамлар ҳам уйли, ҳам ишли бўлади. Келгуси йили Қорақалпоғистон

Республикаси ва вилоятларда 40 та шундай замонавий мазе барпо этиш мўлжалланган.

– Бағдод туманидаги янги массивни кўрдингиз. Лойиҳа тайёр, энди тажриба ҳам бор. Фақат шу лойиҳани ҳар бир ҳудудга мослаштириш керак. Очқик танлов ўтказиш жуда муҳим. Очқик, ҳалоллик бўлса, сифат бўлади, халқ олдида юзингиз ёруғ бўлади, – деди Президент мутасаддиларга.

Қурилиш вазирлигида вилоят ҳокимлари билан бирга ҳар бир ҳудудда ер майдонларини аниқлаб, уларнинг бош режасини ишлаб чиқиш бўйича топшириқлар берилди.

"Янги Ўзбекистон" массивлари қуриш учун келгуси йилда 15 триллион сўм ажратилиши белгиланди. Бу маблағ ипотека кредити бериш учун банкларга йўналтирилади. Қурилиш инвесторлар ҳисобидан амалга оширилади.

Давлатимиз раҳбари эҳтиёманд оилаларга кўмаклашиш, бошланғич бадал ва фозилар бўйича субсидия бериш муҳимлигини таъкидлади.

Келгуси йили янги массивларда қуриладиган уйларнинг мингтаси эҳтиёманд оилалар ва ёлғиз аёллар учун давлат томонидан сотиб олинади. Бунинг учун қурилиш ташкилотларига 220 миллиард сўм олдиндан ўтказиб берилади.

Бугунги кунда уйларнинг бир квадрат метри нархи ўртача 4 миллион 500 минг сўмни ташкил этмоқда. Йиғилишда янги массивлардаги нархни шу миқдорда сақлаб қолиш вазифаси қўйилди. Шу мақсадда янги массивларни ички ва ташқи инфратузилма билан таъминлашга бюджетдан ҳар йили 1

триллион сўм ажратилиши белгиланди.

Келгуси йилдан цемент ишлаб чиқарувчилардан фойда солиғи 20 фоиздан 15 фоизга, ер қазирдан фойдаланганлик учун солиқ 2 бараварга камайтирилмоқда. Шунингдек, цемент импорти учун имтиёзлар муддати яна бир йилга узайтирилади. Булар ҳам уйлар нархи сезиларли тушишига сабаб бўлади.

Йиғилишда "Яшил макон" умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳам кўриб чиқилди. Бу лойиҳа доирасида йилига 200 миллион туп дарахт ва бута кўчатларини экиш, шу орқали шаҳарлардаги яшил майдонларни ҳозирги 8 фоиздан 30 фоизга ошириш режалаштирилган.

– Шунча йилларда "қоғозда" экилган дарахтларни ҳисобласа, Ўзбекистонда бўш жой қолмаслиги керак эди. Тизим, қаров бўлмагани учун экилганининг ҳам кўпи қуриб кетди. Бугунги ва келгусидаги экологик вазиятни инобатга олиб, дарахт экишни давлат сиёсати даражасига кўтараямиз. Шунинг учун бу умуммиллий лойиҳани пухта тайёрларлик билан, пули, эгаси, суғориш тизими билан амалга ошириш керак, – деди Шавкат Мирзиёев.

Шу боис, биринчи навбатда, мавжуд ва янгидан барпо этиладиган яшил майдонларга туман ёки шаҳар ҳокимининг қарори билан масъул белгиланган бўлди. Улар дарахтларни парваришлаш билан бирга, ушбу ҳудудни обод сақлашга ҳам жавоб беради.

Ободонлаштириш бўлимлари махсус техника билан таъминланади, зарур жойларда суғориш тармоқлари барпо этилади. Экология, дарахт экиш ва парваришлаш ма-

салаларига ҳокимларнинг қурилиш бўйича ўринбосарлари масъул бўлади.

Давлатимиз раҳбари ушбу савобли ишда ҳар бир ташкилот, ҳар бир фуқаро ўз ўрнини топиши кераклигини таъкидлади.

Кўп қаватли уйларга туташ ҳудудлар уй-жой мулкдорларига яшил майдонлар барпо этиш учун бириктирилади ва у ерда қурилиш қилишига рухсат берилмайди. Муассасалар ҳовлиси, маҳаллалар, йўл ва дала четларига дарахтлар экилади.

Йиғилишда 10 декабрга қадар дарахт экиш бўйича "долзарб 40 кунлик" эълон қилинди.

Ўрмон хўжалиги давлат кўмитасига ҳокимлар билан бирга ҳар бир ҳудуднинг иқлим шартини мос кўчатларни кўпайтириш ва етказиб бериш вазифаси қўйилди. Бунинг учун, кўмита ҳузурида "Яшил ҳудуд" унитар корхонаси ва ҳар бир вилоятда унинг филиаллари ташкил этиладиган бўлди.

Соҳадаги ишларда Экология кўмитасининг ўрни таъкидланиб, унинг тузилмаси, ваколат ва вазифаларини қайта кўриб чиқиш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда суғориш тизимини янгилаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Ҳокимларга ирригация тармоқлари қуриш, қудуқлар қаздириш ва томчилатиб суғориш тизимини жорий этиш бўйича топшириқлар берилди.

Кўчатчиликни ривожлантириш, кам сув талаб қиладиган дарахт навларини кўпайтириш чоралари ҳам белгиланди.

ФАРФОНА ВИЛОЯТИ

МАШАҚҚАТЛИ МЕҲНАТНИНГ ТОТЛИ МЕВАЛАРИ

Риштон туманидаги "Билалдин бахти" фермер хўжалиги октябрь ойининг бошларидаёқ пахта сотиш режасини ортиси билан бажариб қўйди. Гектаридан 52,3 центнердан ҳосил йиғиштириб олиш осон эмас, бунинг учун агротехник тадбирларни ўз вақтида адо этиши, сувдан тежеб-тераб фойдаланиши, ўғитни ўз вақтида солиши, культивацияни оби-тобида ўтказиш талаб этилади.

Бунинг уддасидан чиққан фермер кўзлаган ҳосилни олди. Тумандаги "Феруз ихтиёри" фермер хўжалиги ҳам 51,6 центнердан, "Ҳасанбой Ҳамдам ери" фермер хўжалиги эса 47,5 центнердан, "Максуд Одилжонов" фермер хўжалиги 48,3 центнердан ҳосил кўтарди. Бундай илғор, гайрат билан иш тутадиган фермерлар номини яна давом эттиришимиз мумкин. Ана шундай фермерлар, механизаторлар, сувчилар, деҳқонларнинг фидойилиги туфайли Риштон тумани пахтакорлари вилоятда биринчи бўлиб, пахта топшириш шартномавий режасини бажарди. Қабул пунктларига етказиб берилган ҳосил салмоғи 20,6 минг тоннадан ошди. 5950 гектар майдоннинг ҳар гектаридан олдинги ҳосилдорлик ўртача 33,6 центнерга етди. Етиштирилган хомашёнинг асосий қисми юқори навларга сотилди.

Пахтачиликда бундай ютуқларга эришишнинг ўзи бўлмайди. Бунда билим, малака ва тажриба керак. Жумладан пахта етиштиришда вилоятда биринчи бўлиб йўлга қўйилган кластер тизими ўзининг ижобий самарасини бераётганини таъкидлаш ўринли. Кластер экин майдонларини шудгорлаш, экишга тайёрлаш, техника, ёқилги, сара уруғ етказиб бериш, фосфорли ва азотли ўғитлар билан таъминлаш экин майдонлари мелоратив ҳолатларни яхшилаш ишларига бевосита бош бўлди. Уларни ўз вақтида, белгиланган муддатларда етказиб бериш, меҳнатқашлар манфаатини оширишга бўлган эътибор гектарларда мўл ва сифатли ҳосил тўплаш имконини берди.

– Деҳқончиликда алоҳида қулай йил бўлмаганидек бу йил ҳам ноодатий келди, – дейди туман ҳокими Суфхонжон Солиев. – Баҳорнинг ўрталаридан бошлаб ўта исиб кетган об-ҳаво деҳқонларимизни шошириб қўйди. Тумандаги тўртала сектор раҳбарлари ҳам деҳқонлар учун қандай муаммо бўлса ўз вақтида бартарак этишга ҳаракат қилди. Ниҳоллар кўпроқ баргидан озиклантирилди. Ғўза баргидан озиклантирилса минерал ўғит таркибидеги фойдали элементларнинг 75-80 фоизи, оддий усулда эса унинг 35-40 фоизи ўзлаштирилиши мумкинлиги мутахассислар томонидан тушунтирилди. Бу усул ҳосилдорлигини ошириш билан бирга таннархини камайтиришга хизмат қиладигани ўз исботини топди.

Томчилатиб суғориш ҳосилдорлик гарови экани бу йил ҳам яққол кўринди. Пахтачиликда суви тежовчи технологияларнинг жорий этилаётгани сув сарфини камайтириш, экинларни суғориш билан боғлиқ агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказиш имкониятини берди. Бу самарали усул айниқса, сув таъминоти оғир бўлган ҳудудларда кўл келди. Мавсумда тумандаги 1700 гектар ерда янги тизим жорий этилди.

(Давоми 3-саҳифада)



ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва унинг рақобатбардошлигини ошириш аҳолининг 60 фоизидан ортиқ қисми яшаётган қишлоқларнинг фаровонлик даражасини юксалтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам фермер хўжалиқларини рағбатлантириш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш устувор йўналишлардан бири сифатида белгилаб берилди. Шу билан биргаликда, фермер хўжалиқлари даромад билан ишлаши кераклиги, бундан кейин фермер хўжалиги фаолиятига баҳо беришда унинг олган даромади асосий мезон бўлиши таъкидланди. Буэса уларнинг фаолият турларини кўпайтиришга боғлиқдир.

Президентимизнинг 2018 йил 27 декабрдаги "Пах-

та хом ашёсини етиштиришда томчилатиб суғориш технологияларидан кенг фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратишга оид кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида фермер хўжалиқлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарига имтиёзлар жорий этилди. Бунинг натижасида сўнги 3-4 йилда пахта, ғалла ва бошқа саҳоларда жами 681 минг гектардан зиёд майдонларда томчилатиб суғориш жорий этилди. Айниқса, пахтада томчилатиб суғоришни жорий этган фермер ва бошқа хўжалиқларга давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ҳар гектарига 8 млн. сўмдан субсидия берилмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

МЕҲНАТ БАЛАБАСИ

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
Тошкент вилояти деҳқонлари пахта тайёрлаш бўйича шартномавий мажбуриятларини муваффақият билан адо этдилар. Шартномавий режа ортиғи билан уддаланиб, 245 минг 850 тонналик улкан хирмон бунёд этилди.

Эришилган муваффақиятга 8 та туманда 72,2 минг гектар майдонда қимматбаҳо саноат хомашёсини етиштирган пахта тўқимачилик кластерлари салмоқли ҳисса қўшдилар. Ҳосилдорлик аввалги йилларга таққослаганда гектаридан 1,5 центнердан ошди. Мавсумда пахта далаларига жалб этилган юқори унумли терим агрегат-

лари унумли фойдаланилди. Айниқса, терим отрядларига бриктирилган кўнгилли теримчиларнинг фидокорона меҳнатлари улкан пахта хирмонини бунёд этишда муҳим омил бўлди. Йиғим-терим ишлари ҳар жиҳатдан намунали ташкил этилди.

– Шартномавий режа адо этилган бўлсада, ҳали далалар-

да ҳосил мўл дейди, – вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Улғубек Узоқов. – Кластер жамоалари ва фермерларимиз катта сарф-ҳаражат ҳамда пешона тери билан етиштирилган пахта хомашёсини охириги миқдоригача нес-нобуд қилмай йиғиб, териб олиш пайдалар.

Иброҳим ТОШЕВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

ЭКСПОРТНИ КЎПАЙТИРИШ ДАВР ТАЛАБИ

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ
Президентимизнинг "Экспорт фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида Сирдарё вилоятида ҳам саноат, қурилиш, фармацевтика ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш суръатларини янада ошириш, экспортчи корхоналарни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилмоқда.

Бунинг самарасида вилоятда трикотаж, қурилиш материаллари, дори-дармонлар ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш суръатлари ошиб, уларни чет давлатларга экспорт қиладиган корхоналар сони тобора ўсиб бораётган. Айниқса, вилоятда ишлаб чиқарилган трикотаж маҳсулотлари, тиқиб, тайёрланган кийим-кечакларни экспорт қиладиган корхоналар талайгина. Булар сирасига Янгиер шаҳридаги "Мос

Ян текс", "Карманта текстиль", "Бек кластер" қўшма корхонаси, Оқолтин туманидаги "Сардоба текстиль", "Ақбар текстиль" корхоналарини яққол мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Ушбу корхоналарда тиқиб, тайёрланган кийим-кечаклар 100 фоиз хорижий давлатларга сотилаётган.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуслари билан пахта етиштиришдан тортиб уни чўқур қайта ишлаш, тайёр маҳсулот ва кийим-кечакка айлантириб со-

тишгача бўлган жараёни ўз ичига олган, минглаб янги иш ўринлари яратишга хизмат қиладиган "Бек кластер", "Боёвут техно кластер", "Политех Сирдарё", "Сирдарё агро кластер", "Индо-

рама", "АПК Оқолтин" каби йирик кластер тузилмалари фаолиятига кенг йўл очиб берилганлиги вилоятда янги ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш, тайёр маҳсулотларни кўпайти-



риш, етиштирилган хомашёни қайта ишлаш ҳисобига пахтадан олинаётган даромадни бир неча ўн баравар ошириш борасида аниқ лойиҳалар тўлақонли амалга оширилаётган. Яна ҳам эътиборлиси, янги кластерлар ҳисобига Гулистон туманида йирик ип йиғирув фабрикаси ишга туширилди. Сайхунобод туманида эса мингдан ортиқ иш ўрнига эга бўлган фабрика қурилиши жадал давом эттирилмоқда. Бу эса вилоятда етиштирилаётган пахтанинг асосий қисмини келгусида шу ернинг ўзида қайта ишлаб, тайёр маҳсулотга айлантириб, хорижий мамлакатларга сотишга хизмат қиладди.

Энг муҳими, бу йўналишдаги ишлар давом эттирилиб, анорчилик, мева-сабзавотчилик, чорвачилик, балиқчиликнинг ҳам кенг ривожлантирилаётгани иқтисодиёт истиқболига нури йўл очди. **Бозорбой БЕКМУРОДОВ,** "Qishloq hayoti" мухбири.

Таълим кредитига эҳтиёжингиз борми? Унда Ипотека-банк филиаллари ва банк хизматлари марказларига мурожаат қилинг!

РАСУЛЖОН ОТАНИНГ УШАЛАЁТГАН ОРЗУЛАРИ

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

Норин туманидаги Чангитма маҳалласида яшовчи Расулжон ота Ғофуров ўзи танлаган соҳада сидқидилдан меҳнат қилиб нафақага чиққанига ҳам 13 йил тўлди. Фарзандларининг одобли, илмли, ҳунарли, меҳнаткаш бўлиб камол топишига катта аҳамият қаратди. Барчасини ўқитди. Томорқада ёнига олиб, деҳқончилик сирларини ўргатди. Уларга ота-боболаримиздек ўз еримиз бўлишини, сизлар билан эмин-эркин меҳнат қилиб, мўл-кўл ризқ-насиба яратишни орзу қиламан-да болаларим, дея кўнгил тўридаги орзуларини қайта-қайта изҳор қилишдан чарчамади.



Халқимизда "Яхши ният – ярим давлат" нақли бежизга айтилмаган. Вақти-соати билан мамлакатимиз ҳам мустақил бўлди. Ширкат хўжалиги ўрнида фермерчилик ҳаракати қулоч ёзди. Расулжон отанинг Наманган муҳандислик олийгоҳининг қурилиш факультетини тамомлаган ўғли Ботиржон тендерда қатнашиб, голиб бўлди. 2005 йилда 70 гектар ҳудудни ўз ичига олган "Ғофуров Расулжон ўғли Баҳодир" фермер хўжалигига асос солинди. Езда ғалладан, кўзда пахтадан мўл-кўл хирмон кўтарилди. Хўжалик йилдан-йилга юксалиб борди. Жорий йилга келиб умумий майдони 110 гектарни ташкил этди. 2019 йилда туман ҳокимлигига ёзилган ариза қано-



атлантирилиб, чорвачилик йўналишида фаолият юритиш учун 12 гектар майдон ажратиб берилди. 100 бошга мўлжалланган молхона, 1000 тонна ҳажмдаги силос ўраси қурилди. Австриядан 30

бош "швец" зотли гунажинлар олиб келинди. Шу аснода сўт етиштириш бўйича янги тармоққа асос солинди. Ҳозирга келиб қорамоллар сони 75 бошга етди. Йилига хўжалик чорвадорлари истеъмол-

нава сотилди. — Фақатгина пахта етиштиришдан кўрайдиган умумий даромадимиз 1 миллиард 200 миллион сўмдан ошади. Бошқа тармоқлардан олаётган соф фойдаимиз ҳам хўжаликни янада ривожлантириш имкониятларини кенгайтирмоқда. Ўзимиздан ортиб кўшни фермер хўжаликларига ҳам техник хизмат кўрсата оладиган техниклар жамланмасига эгамиз. Балиқчилик йўналишида ҳам фаолият бошлаш учун ер сўраб юқори ташкилотта мурожаат этдик. Аризамиз ижобий ҳал қилиб берилса, 2022 йилдан 5 гектар майдонда балиқ етиштиришни йўлга қўймоқчимиз, — дейди фермер хўжалиги бошлиғи Ботиржон Ғофуров. Хўжалик пахта режасини бажарган кўни орзулари ушалган Расулжон ота Ғофуровни даладар бағрида учратдик. Йил бўйи фермер ўғли ёнида туриб меҳнат қилган механизатор Дилмурод Мадраҳимов, Тоҳиржон Норматов, илғор теримчилар Раҳимахон Арслонова, Зухраҳон Рустамова, Муқаддамхон Қозоқова, Гуллола Мадраҳимоваларга совғасини топшириб, деҳқончилигимизга барака, эл-юртга тинчлик, хотиржамлик тилаб дуо қилиб қайтётган экан. Биз ҳам бу самимий тилакларга қўшилдик. **Равшанбек МИРЗАОЛИМОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.**



МАШАҚҚАТЛИ МЕҲНАТНИНГ ТОТЛИ МЕВАЛАРИ

(Боши 1-саҳифада) "Бободехқон замини" фермер хўжалиги бу йил 30 гектар пахта майдонида томчилатиб сугориш технологиясини йўлга қўйди. Бунинг учун 750 миллион сўм маблағ сарфлади, эришилган натижа туфайли сарфланган харажатнинг асосий қисми қопланди.

Фермер Сойибжон Эргашев илгари 20 центнерга етказиб ҳосил ололмаган пахта майдонларидан Туркия технологияси асосида томчилатиб сугоришни йўлга қўйиб, салкам 50 центнердан ҳосил олди. "Феруз-Ихтиёр" фермер хўжалиги раҳбари Элёрбек Акбаров 43 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 46 центнердан ошириб ҳосил етиштирди ва соф даромад олиш салмоғини 700 миллион сўмдан кўпайтирди.

Умуман олганда айни пайтда вилоятнинг кўплаб туманларида пахта етиштириш ва сотиш режалари ортиги билан бажарилган бўлса ҳам далада қолган пахтани териш давом эттирилмоқда. — Жорий йилда вилоятимизда 2500 фермер хўжалиги томонидан 82 минг 80 гектар майдонда ғўза парварииш қилиниб, агротехник тадбирлар ўз вақтида амалга оширилди. Ҳозир ҳам далада ҳосил мўл, пахтанинг далада қолган қисмининг териш билан бирга бошоқли дон экинни яқунлаш борасида иш жадаллик билан олиб борилмоқда. Такрорий экинларни йиғиштириб олиш, бирлар амалга оширилмоқда. Буларнинг ҳаммаси Фарғона ахлининг фойдалиги, меҳнатга муносабати натижасида бажарилаётди.

Ҳамидажон БУРҲОНОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

ЗАФАРНИНГ ЗАФАРЛИ ОДИМИ

Жиззах вилояти Дўстлик тумани "Агросервис МТП"да анча йиллардан бери меҳнат қилаётган Зафар Жўраевга қойил қолганим у "Кейс-2022"дек замонавий горизонтал шпинделли машинани юқори унум билан ишлатишининг ҳадисини олган.

Шу боис ҳар йилги мавсумда 400-500 тонна пахта теришга эришади. Масалан, 2020 йили 20 кун ичида 410 тонна ҳосилни бункердан бўшатган. Яқинда "Дўстлик Агросервис МТП"нинг кўп йиллик раҳбари, тажрибали муҳандис, кадрдоним Орифжон Норкулов билан машиналар ишлаётган далага бордик. Терим авжига чиққан. Машиналар бункерларидан пахтани навбатма-навбат тиркамаларга ағдариб, тўхта-масдан яна пахтазорга кириб кетаяпти. Механизаторлар билан суҳбатлашгим бор эди. Лекин теримнинг шиддатини кўриб, уларга ҳалақат бергим келмади. Орифжондан сурайман. — Зафарнинг бу йилги марраси қанча? — Бугунча 367 тонна терди. Кўриб турибсиз, далада ҳали пахта кўп. 420 тоннага етказса керак? — Бахтиёр, Ғанишер ва Шавкатлар ҳам чаки эмасдир? — Биласизда, домла, уларнинг ҳам зўрлигини.

— Туманда машина теримининг ўрни билинганми? — Билинганда қандоқ! Туманимизда пахта тайёрлаш бўйича кўзланган марра қисқа муддатларда эгаланди. Хирмонларга уюлган ҳосилнинг 70 фоизи машиналар улушига тўғри келди. Бу улуш кейинги йилларда янада ошади. Эро, фермерлар, пахта-тўқимачилик кластери мутахассисларининг машина теримига бўлган ишончи йилдан-йилга ошиб бормоқда. Биз, муҳандис-техниклар ва механизаторлар бу ишончни оқлаш йўлида сидқидилдан меҳнат қиламиз. Кези келгани учун айтиб қўяй. Дўстлик тумани механик-хайдовчилари машина теримида ҳеч қанақа "Янги Америка" очганлари йўқ. Ҳамма биландиган, агротехник талабаларда ёзиб қўйилган тадбирларни чин юракдан, ўз вақтида ва сифатли қилиб бажаришади, холос. Кўп гувоҳи бўлганман, улар терим мавсуми эшик қоқшини кутиб ўтириш-

майди. Икки-уч ой олдин машиналарни теримга шайлаб қўйишади. Шу боис улар мавсум давомида бузилмасдан ишлади. Мураккаб бузилишлар кўчма устахона механикларни кучи билан дала-нинг ўзида бартараф этилади. Вақт ҳам, маблағ ҳам тежаллади. ... Бари-бир механик-хайдовчиларни тушликка чиқишларини кутдим, елкаларини қўқиб, "балли сизларга" дедим. Ҳа, айтгандек, йўл-йўлақай "Сирдарё Агросервис МТП" бошлиғи Бахтиёр Рисбековни далада учратиб, Шохимардон Фозилов, Абдусаммад Боймуродов ва Камрон Дадаевларни МХ-1.8 икки қаторли машинада 120-150 тоннадан пахта теришганини, бу рақамларни янада оширишга ҳаракат қилинаётганини билиб олдим. Булар ҳам чакана эмас. **Муҳаммад ТОШБОЛТАЕВ, профессор.**



"Ипотека-банк" АТИБ: ТАЪЛИМ КРЕДИТИ АЖРАТИШНИНГ ЯНГИ ТИЗИМИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим ташкилотларида таълим олиш имкониятларини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига ососан, жорий йилдан бошлаб олий таълим ташкилотлари бакалавриятининг кундузги таълим шаклида ҳамда магистратура босқичида тўлов-контракт асосида таҳсил олиш учун таълим кредити ажратишнинг янги тизими йўлга қўйилди.

Унга кўра, таълим кредитлари муддатлари ва фоиз ставкалари, шунингдек, кредит бўйича бошқа шартлар энгиллаштирилди. Хусусан, таълим кредитининг асосий қисми талабнинг расмий ўқиш муддати тугагандан сўнг еттинчи ойдан бошлаб 7 йил давомида қайтарилиши, тижорат банклари Молия вазирлиги томонидан жойлаштирилган ресурслар ҳисобидан таълим кредитларини Марказий банкнинг асосий ставкасида ажратиши, таълим кредитини расмийлаштириш ва унинг қайтарилишида талабнинг доимий даромад манбаига эга бўлган оила аъзолари биргаликда қарз олувчи сифатида қатнашиш ҳуқуқига эгалиги белгиланди. Таълим кредити расмийлаштириш мақ-

садида "Ипотека-банк" АТИБ филиаллари мурожаат қилаётган талабалар ва уларнинг оила аъзолари ёки қадрлардан фақат шахсини тасдиқловчи ҳужжат ҳамда Олий ўқув юрти билан тузилган шартнома талаб этилмоқда. Бугунги кунга келиб янги тартиб асосида, банк томонидан 3 800 дан ортиқ талабага қарийб 42 млрд. сўм таълим кредити ажратилди. Шунингдек, банк томонидан талабаларга ушбу йўналишда кредит ажратиш ишлари жадал давом эттирилмоқда. Хурматли талабалар ва ота-оналар! Агар Сизда таълим кредити учун эҳтиёж юзага келса, Ипотека-банк филиаллари ва банк хизматлари марказлари-га мурожаат қилишингиз мумкин. **Банк ахборот хизмати**

YURTIMIZDA AHOLINI RO'YXATGA OLISH TADBIRI IKKI YILDAN SO'NG O'TKAZILADI

Kecha Milliy matbuot markazida Toshkent shahar statistika boshqarmasi tomonidan joriy yilning 1-25-noyabr kunlari Toshkent shahri Yashnobod tumanida sinov tariqasida o'tkaziladigan aholini ro'yxatga olish tadbirlari jarayoni yuzasidan matbuot anjumani tashkil etildi. Davlat statistika qo'mitasi, Toshkent shahar statistika boshqarmasi vakillari hamda ommaviy axborot vositalari xodimlari ishtirok etgan matbuot anjumanida ta'kidlanganidek, aholini ro'yxatga olish bu mamlakat aholisining muayyan vaqtadagi "fotosurati"ni olish imkonini beruvchi umumdavlat miqyosidagi keng ko'lami tadbir bo'lib, aholi to'g'risidagi ishonchli axborot manbai hisoblanadi.

"Aholini ro'yxatga olish to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi Qonuni ijrosini ta'minlash maqsadida 2020 yil 11-noyabr kuni O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining "O'zbekiston Respublikasida 2023-yilda aholini ro'yxatga olishga tayyorgarlik ko'rish va uni o'tkazish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarori qabul qilindi. Ushbu qarorga binoan O'zbekiston Respublikasida aholini ro'yxatga olish tadbiri 2023-yilning 1-25-noyabr kunlari o'tkaziladi. Shuningdek, aholini ro'yxatga olish jarayoni va barcha me'yoriy hujjatlarni sinovdan o'tkazish maqsadida joriy yilning 1-25-noyabr kunlari Andijon viloyatining Xo'jaobod, Toshkent viloyatining Yuqori Chirchiq, Toshkent shahrining Yashnobod tumanlari va Xiva shahrida sinov

tariqasida aholini ro'yxatga olish tadbirlari o'tkazilishi belgilandi. Matbuot anjumanida aytilganidek, ayni paytda Yashnobod tumanida ham sinov tariqasida aholini ro'yxatga olish tadbirlari o'tkazilmoqda. Bu tadbirlar uchun mazkur tumandagi 58 ta mahallia fuqarolar yig'inining sxematik xaritalari o'rganib chiqildi. Mazkur tadbirga puxta tayyorgarlik ko'rish maqsadida xorijlik ekspertlar taklif etildi. Xususan, MDH Statistika qo'mitasi raisi Sokolin Vladimir Leonidovich, ushbu qo'mitaning ijtimoiy-demografik statistika boshqarmasi boshlig'i I.Zbarskaya, Aholini ro'yxatga olish bo'yicha YUNPFAning xalqaro eksperti G.Sherbakova Yashnobod tumanida amalga oshirilayotgan ishlarni ko'zdan kechirib, tegishli taklif va tavsiyalar berdi. Sinov tariqasida o'tkaziladigan



aholini ro'yxatga olish tadbirlari jarayoni dala internet jahan axborot tarmog'i orqali aholi ro'yxatga olinadi (bunda yaratilgan maxsus dastur orqali sinov hududida yashaydigan istalgan fuqaro o'zi mustaqil ravishda ro'yxatdan o'tishi mumkin bo'ladi). Internet orqali ro'yxatdan o'tgan respondentlar va ularning uy manzillari ro'yxat shakllantiriladi. 11-22-noyabr kunlari ro'yxatga oluvchilar uy-uy yurgan holda aholini ro'yxatga oladilar, 23-25-noyabr kunlari har bir hisob uchastkasidagi uy-uy manzillarining 10 foizi tanlanma ravishda nazorat kuzatuv asosida qayta o'rganiladi. Bunda agar respondent (aholi) yashab turgan xonadonda (joyida) ro'yxatdan o'tishni istamasa, ro'yxatga olish uchastkasidan ro'yxatdan

zarurati yuzasidan takliflar ishlab chiqiladi. Sinov tariqasida o'tkaziladigan aholini ro'yxatga olishga tayyorgarlik jarayonida aholi punktlarining sxematik rejalari texnik shartlar asosida tayyorlash Yashnobod tumanida ro'yxat bo'limi bilan hamkorlikda amalga oshirildi. Shuningdek, aholi punktlarida yashovchi aholi soni ko'rsatilgan holda uylar va xonadonlarning to'liq ro'yxati tuzib chiqildi, ko'cha nomlari, uy-joylarni raqamlash bo'yicha keng ko'lami ishlar amalga oshirildi. Sinov tariqasida o'tkaziladigan aholini ro'yxatga olish tadbirlarining yuqori darajada o'tkazilishi uchun unga tayyorgarlik ko'rish, ma'lumotlarni qayta ishlash va hujjatlarni saqlash uchun Yashnobod tumani hokimligi tomonidan maxsus binolar ajratildi. Shuni alohida aytish joizki, aholini ro'yxatga olish tadbiri uchun Yashnobod tumanida 19 nafar uchastka raisi, 19 nafar rais o'rinbosarlari, 94 nafar instructor, 94 nafar stasionar ro'yxatga oluvchi hamda 472 nafar ro'yxatga oluvchi xodimlar hududiy komissiya a'zolari tomonidan tanlab olindi. Tanlab olingan 698 nafar xodim joriy yilning oktabr oyida aholini ro'yxatga olish bo'yicha maxsus o'qitildi. Matbuot anjumanida mutaxassislar jumalastir tomonidan berilgan barcha savollarga atroflicha javob berdi. **Toshkent shahar statistika boshqarmasi axborot xizmati**


Сурхон сафарининг серзавқ таассуротлари

Ёзинг бошларида таниқли агробиолог олим, профессор Ҳасан Бўриев Кумқўрғонга, ўзи ўқиган 14-умумтаълим мактабига Ўзбекистон халқ ёзувчиси Эркин Аъзам ва Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азимларни бошлаб келди. Ҳасан Бўриевнинг отаси Чўтбой бобо бу мактабда ўттиз йилча муаллим бўлган. Ҳасан Бўриевнинг Раҳматхон деган олим акаси шу мактабда ўн беш йил директорлик қилган. Марҳум укаси Ғофиржон ҳам шу ерда муаллим бўлиб ишлаган.

"Мени мен истаганлар..."

ёхуд Ҳасан Бўриевнинг қишлоғида учрашув

(Бу мақола расмий учрашув ҳақида эмас, хос урашув ҳақида)



Мактаб жамоаси меҳмонларни гулчамбарлар билан қутиб олди.

"Карнай-сурнай айтилмаган эканда", дея ташкилий хатоми тоғди ҳаққа бормаган бўлса-да ҳамма "хожи бобо" деб атайдиган Очил бобо.

— Буларнинг қайси бири Азимову, қайси бири Аъзамов, — деб менга тиргалгандай бўлди бошқа бир мактабда она тили ва адабиётдан қирқ йил дарс бериб, пенсияга чиққан, тўй давраларида одамларга "Яша, шўро", "Водийларни яёв кезганда" деган шеърларни ўқиб берадиган, гоҳида ўз-ўзига шеър ўқиб, ўзи билан ўзи гаплашиб юрадиган бир танишим.

— Бўйи узунроқ Азимов, — дедим. — Уларнинг бири шоир, иккинчиси ёзувчи бўлса керак-а? Фамилиялари ўхшаш экан. Бир бирига қариндошлигим бўлса керак-а, икковиям сурхондарёликми? Бойсундан денг, бир мактабда ўқиган, денг! Зўр-ку, деди танишим.

— Ҳа, дедим ва меҳмонлардан қайси бири шоиру қайси бири ёзувчилигини айтдим. Улар билан университетда бирга, бир курсда ўқиганман, дедим.

— Йўғ-а, — деб ажаблангандай бўлди танишим ўзини бир қадам нари олганча менга бошдан оёқ қараб қўйиб. — Унда сиз ҳам нега ё шоир ё ёзувчи бўлмагансиз? Шоир ва ёзувчиларнинг ойликлари катта бўлармиш-ку, бир китобининг пулига битта машина сотиб олиш мумкин бўлса керак-ов? Яна бу — унча ҳурмат-иззат.

— Уларнинг китобларини ўқигандирсиз, деб сўрадим. Ёлгон гапиролмас экан. Йўқ, деди. "Қишлоқчилик. Томорқаю мол-ҳол билан бўлиб ўқша қўл теғармиди? Катта шоирлардан биттаям танишим йўқ. Мени иккаласи билан ҳам яхшилаб таништириб қўясиз, Майлими?".

Урик ва шафтоли дарахтларининг олачалпақ соясида меҳмонлар билан учрашув жойи тайёрланган экан. Таклиф қилинган оқсоқоллар, ўқитувчилар олдинги қатордаги стулларга ўтиришди. Уларнинг орқасида юқори синф ўқувчилари. Аксарияти қизлар. Ҳаммаси деярли бир хил кийинишган. Мен стулнинг ўқувчиларга яқинроққа, сояси қуюқроқ жойга суриб ўтирдим. Биринчи бўлиб Ҳасан домла гапирди. Ўқувчилик даврларини, яъни олтиинчи йилларни, биринчи ўқитувчисини, бошқа устозларни эслади.

— Ази ҳамқишлоқларим, бугун сизнинг хузурингизга Ўзбекистоннинг энг пешқадам шоири энг пешқадам ёзувчиси ташриф қилишган. Бу учрашувни авлодларимиз минг йиллар эслаб юришига ишонаман. Худди шунинг учун ҳам албатта, яхши ўқишларинг керак. Утган йили бир қишлоқлик бола бирвааракайга йигирма олтига университетта ҳужжат топшириб, ҳаммасига кирди. Ўқийдиган замон келди. Ўқийдиганларнинг замони келди. Ўқийдиганларнинг замони келди.

Очил бобо гапирди: Ҳасан домла ўзи ўқиган мактабга бугун бир гектарлик интенсив мевали боғ яратиб берди. Ана, кўринлар, бугун мингта китоб совға қилиб ўтирипти. Ҳаммаси янги китоблар. Энди иссиқхона қуриб бермоқчи. Иккита аълочи ўқувчи учун стипендия таъсис қилмоқчи. Бу мактабни қанчадан-қанча калласи катта, димоғи қопдай одамлар битириб қилган.

Лекин улардан қай бири Ҳасан домлага ўхшаб мактабини йўқлаб келаяпти. Қорасини кўрсатмайди-ку. Отасига раҳмат Ҳасан домларнинг...

Қарсақлар. — Энди, Ҳасан домла, ўз оёғингиз билан бизлардан ҳол-аҳвол сўрагани келипсизки, шу элнинг номидан яна бир гап айтмай, — деди Очил бобо теваракка бир қараниб олиб. — Узингиз таълим олган шу даргоҳ, биласиз, эллик бешинчи йили қурилган. Девори хом гишдан. Ҳар йили икки марта таъмирланса ҳам, қаранг, гишлари тугул поидевори увалиб қолверади. Томига ёпилган, иссиқда куйган шиферларига қаранг. Полининг чирган ёғочларига қаранг. Ким айтди бу ерни Ҳасан Бўриев ўқиган мактаб деб. Қишлоғимиздаги коллеждан бўшаган саккиз юз ўришли иморатнинг икки юзта ўқувчиси бор мактабга бериб юборишди. Шу иморатни олти юз бола ўқийдиган шу, бизнинг мактабимизга беришса бўлмасмиди? Катталарга ипни тўғрироқ тортилар, деб бир оғиз айтиб қўйсангиз...

Менгюр Олламуродов (даврани бошқариб турган шоир) Очил бобонинг гаплари тўлпай-тўғри гаплар. Бу гапларни Ҳасан домла албатта, назоратга оладилар, деди. Усмон Азим шеър ўқиб бошлади. Менга яқинроқ ўтирган дугоналарнинг гаплари қулоғимга илдинди: ўзининг шеърини китобга қараб ўқияпти, китоб-китоб шеър ёзган. Етмишга кирганида қайси бир шеърни ёдида қолсин. Адашиб кетмайин, деб китобга қараб ўқийди-да, овози артистларникига ўхшаркан, қўлларининг ҳаракатларига қара. Баланда бўйли бўлганимнан қўлларининг панжалари майдорак, калтароқ экан-а? Менин акам ҳам сочларини шу шоирникидай қилиб ўстириб юради...

Усмон Азим иккинчи шеърини ўқиб бошлаган эдики, дугоналардан бериқроқда ўтиришган иккинчи бир жуфтликнинг, ёши каттароқ одамларнинг ҳам шивир-шивири бошланди.

— Усмон Азим деганлариям ўзимизнинг Сўфидек шоир экан-а, — дейди калта ҳасасига ияги билан суяниб ўтиргани. (Сўфи шоир деганимиз ҳам шу мактабда ўқиган. Қирқ йил монтер бўлиб ишлаган. Бир сурунда унинг уч мингта тўйга "раислик" қилганман. Уч мингтаасиям бағишлаб шеър ёзганман, деганини эшитганман. Учтами шеър китоби чиққан. Ҳозир пенсионер. Орада сал тоби қочиб, "раис"ликни йиғиштирди. Бироқ қалами ҳамон қоғоз устида.)

— Сўфи шоир ўзи ҳеч қайси шоирдан кам эмасда, — дейди хайъатдан, Усмон Азимдан кўзини узмай қараб ўтиргани. — Пиёз экадиганлар ҳақида ҳар йили биттадан шеър тўқийди. Ўр тўқийди лекин.

— Тоҳир деган ҳамсоямиз йигирма сотихда етиштирган ўн тонна пиёзидан беш миллион сўм убитка қилпти. Мен сотолмадим. Харидор чиқмади. Қўйларимга бераялман, — дейди ҳасасли одам.

— Бу йил лекин сабзининг йили бўлди, — дейди газета билан елпиниб турган одам. Чарчаб кетдим пиёзу сабаи экишдан. Пиёзу сабзини ўтайман деб бола-чакам грижа бўп қолди.

— "Карвон" деган қўшиқни шу одам ёзган, — дейди ҳасасли одам.

— Сўзини ёзган. Шерали қўшиқ қилган, — дейди пиёз ҳақидаги шеърни эслаб қолгани.

— Бундан ўттиз йилми аввал Шерали Боймоғли қишлоғига келган. Эшқобил Шукуровнинг тўйига. Одамлар унинг қўшиқларини оғилларнинг томларининг, гўзапога гарамларининг устига чиқиб олиб эшитишган. Мен дархатга чиқиб эшитганман. Еш эдимда. Тўйга районнинг катталариям келишган. Совхозимизнинг директори Шералининг "Авалгиларга ўхшамас" деган қўшиғига ўйнайман деб оёғини майиб қилиб олгани ҳали-ҳали эсимда.

— Бугун бу ерга Шералиям келиши керак эканда. Шералининг келганини эшитиб, ҳоким бовалар ҳам келишармиди ё вакиллари юборармиди, — дейди ҳасасли одам. Шивир-шивирлардан толиққандай бўлдим. Даврабодидан сўз сўраб ўтирмадим. Усмон Азим шеър ўқишни тугатиши билан ўрнимдан турдим. Китобийроқ қилиб гапирдим. Баландроқдан келдим. Ким нима деса, деяверсинки, менинг Усмон ошнам ўзбекнинг забардаст шоири, дедим. Интиқияси чексиз, новатор шоир, дедим. Адабиётимизнинг чинорларидан бири. Дарвоқе, бу Усмон Азимнинг биз томонларга биринчи марта келиши эмас. У Боймоғли қишлоғига Янгибой Шоймардонови йўқлаб келиб турди. Боймоғлида Парда Диевров, Хуррам ака деган магазинчилар яшаб ўтди. Парда Диевров Рауф Парпининг ҳамма шеърларини ёддан биларди. Узиям шеър машқ қиларди. Хуррам ака Навоийнинг ғазалларини ўқиса тўлиб-тўлиб ўқирди. Тўхташ Мамараимов деган қорамолчилик фермасининг мудирини "Уруш ва тинчлик" романининг русча нашрини ўқир эди. Усмон Азим Парда акани, Хуррам акани...бошқа акаларини йўқлаб Боймоғлига келиб турди. Боймоғлида мушоира оқшомларини ўтказди. У замонларда Усмоннинг "Халқ шоири" деган унвони йўқ эди. У замонларда Усмон жуда ҳам халқ шоири эди. Сурхондарёнинг ардоқли шоири Шафоат Раҳматуллаевни Усмон менга худонинг Термизда ёқиб қўйган чирого, деб улуглади. Оёқларидан шилпақ, Тошкентдан учиб келиб Шафоат аканинг тобутини кўтарди, дедим. Сўнг Усмон Азимнинг бирон шеърини ҳозир ёддан айтиб берсин биров, дедим.

Жимжитлик! Кимдир пичингнамо лўкма ташлади. "Ана, Ҳасан домла Усмон Азимнинг эликта китобини об келпти. Шеър едлаш бўлса қочиб кетмас, энди ёдлаймизда", деди. Шунда Эркин Аъзамнинг менга бир замонлар айтган "кексаликка хос ҳаяжонлар"ми деган, ё "қарияларга ўхшаб ҳаяжонланавермаслик керак"ми, деган танбеҳи эсимга тушди. Мурод Мухаммад Дўстнинг сал ўйлаброқ ҳаяжонланиш керак, ё сал ўйлаброқ қувониш керак, деганини гапини ҳам эсладим. Қариянинг сайин шодлик ва қувониш ҳам оғирлик қилиб борармикин... Узимни босдим. Яна шеърхонлик. Яна шивир-шивир гаплар.

— Эркин Аъзамнинг ёнида ўтирган одам Тоҳир Малик деган шоирнинг тус ўзи-я, — дейди дастурмоли билан ҳар-ҳар замонда елпиниб ўтирган одам. — Соқоли ўзимизнинг Бектош амакинигина ўқшар экан.

— Бу одам Тоҳир Маликдир? — Тоҳир Малик вафот қилиб кетди-ку! Бу одам ўзимиздан. Район газетасининг аввали редактори Неймат ака-ку! Қурбонов, — дейди гоҳи-гоҳида газета билан юзини елпиб ўтирган одам.

— Биринчи қўришим, — дейди гап бошлаган одам қалин қошини номсиз бармоғи билан қашиб қўйиб. — Неймат аканинг ўнг ёнида ўтирган одамнинг қўйлаги чиройли экан лекин.

— Бир-икки марта ювилган кўринади. — Ҳар ким ҳам шоир бўлавермайди-ку. Шоирлар яхши кийинишлари керак-да. Шоирларни кийим-кечак билан давлатнинг ўзи таъминлайди, деб эшитганман. Йўғ-е...

Рости гап. Яқинда телевизор шоирларга текин ўй-жой берилди, деди. Уйни текин берган, миллиянироқ прокурорларни чиройли қилиб кийинтириб қўйган давлат, шоирларга текин кийим-бош олиб берса нима қилпти? Гапим нотўғрими ё?..

— Нотўғри, — дейди орқа қатордаги қалин мўйлови қоп-қора йигит. Шеърни эшитайлик... Эркин Аъзам қисқа гапирди. Ҳасан Бўриевни "эшонбобо" деб гапирди. Тошкентдаги университетлардан бирига сизнинг мактабингиздан чиққан ректор шу

Мени мен истаганлар сўхбатига аржуманд этмас, Мени истар кишининг сўхбатини кўнглим писанд этмас. Алишер Навоий.



одам. Ғайратли одам. Ташкилотчи одам, деб кўрсатгич бармоғини осмонга қадаб эшонбобони мақтади. Маъзур тутасизки, шеър ёзмайман. Шеър ёзганимда сизларга учта-тўртта тўртлик ўқиб берадим", деди.

Мен Эркин дўстим ҳақида батафсилроқ гапирмоқчи бўлдим. Бироқ иккинчи марта сўз даъво қилмоқ ўзимга эриш кўринди. Тўпланганларнинг ичида айнан Эркинни яхши танийдиганлар кам эмаслики билиниб қолди. Анжуман тугагач, ялтир бошига галатироқ шапка қўндириб олган қирқ беш ёшлардаги одам Эркинга яқинлашди. Узини эски танишлардай қўрсатиб саломлашди. Обдан ҳол-аҳвол сўрашди.

— Манови кўзойнак менинг армейский ошнам. Оти Абсалом, — деди у қападай бошига майдагина шапка қўндириб олган, сарғиш соқоли ўсган йигитнинг елкасига қўлини ташлаб олиб. — Фермер. Мен унинг бўлтирилигини қиламан. Бу ерларга келишингизни Абсалом айтиб қолди. "Тули-гули" деган романнингизни ўқиганидан бермаган Абсалом ҳам сизга катта бөлешлик. Менинг уйимда қирқ саккизта китоб бор. Абсаломнинг уйда иккитагина китоб бор. Икковиям ака. сизнинг "Тафаккур" журналингиз ҳам зўр. Айниқса, 2020 йилдаги иккинчи сони жуда ҳам бошқача чиққан.

— Тафаккурнинг ёмон чиққан сони йўқдир, — деди Эркин Аъзам.

— Йўқ, Мен айтган сон бошқача. — Агар ёнингизда бўлса журналингизнинг янги чиққанидан биттагина қолдириб кетсангиз. Ўқирдикда маза қилиб. — Обуна бўлган!

— Обуна бўламан. Ополмайман. Суриштираман. Фойдаси йўқ. Пиёдага йўл бермаган ҳайдовчига отнинг калласидай жарима бор экану, обунани эгасига олиб бориб бермаганга биров гинг демас экан.

— У-ўй, дея гапга қўшилди бўйин билан пешонаси терлаб турган фермер чини билан ажабланиб. — Айрим раҳбарларимиз авжи келганда онаминини йўқлаб қолсам бошимизни елкаларимизнинг орасига яшириб индамай тараверамизу...

Эркин "армейский ошна"ларнинг ҳар қайсига "Жийдали, жон Жийдали" китобини берди.

— Биз ҳақимизда ҳеч ким ёзмайди. — Газеталар ёзаяпти-ку...

— А-аа...Газеталар галла плани ё ба-жарилганини, ё бажарилмаганини ёзади. Бир пиёла чай устидаги гурунч янаям кўнглиноттар бўлди. Усмон Азим одатига кўра ҳаммани оғзига қаратиб гурунч берди. Бу хос учрашу бўлди. Етмишдан ошган биродарларнинг хайрлашуви қисқа бўлди. (Усмоннинг "Узоқ хайрлашувлар" эссесини эсладим. Шукур аканинг шляпеси лип этиб кўз олдидан ўтди. Ҳадемай ўн олти йил бўпти-я Шукур аканинг ҳеч қачон кетмаганига.)

Бир-бирларидан узоқ-узоқларда яшайдиган, бир йилда бир марта, икки йилда бир марта, гоҳида уч йилда бир марта қўришадиган етмишвойлар шунақа...ўзлари билиб-билмай...сўнги марта қўришиб тургандай бўлиб...нималаргадир андармон бўлиб...лекин эртагами, индингами албатта, яна қўришадигандай бўлиб...ҳар кун қўришиб турадиган одамлардай бўлиб...қисқагина хайрлашадилар.

Олимжон УСАНОВ



ОДАМИЙЛИК

Мастура опанинг ҳикояси

Ўн олти нафар аёллар эдик. Ойда бир марта ўтириб "гап ердик". Соатлаб ўтирсақда, бир-биримизнинг дийдоримизга тўймасдик. Яхши-ёмон кунларда доимо бирга бўламиз, ёнма-ён турамиз, деб ваъдалашардик. Қўпинча тадбирларни мен ташкиллардим. Кимнинг нима муаммоси бор, ким соғ, ким бемор хабардор эдим. Ҳеч қачон ҳеч бирдан ердими аямас, тўйлариди, катта-кичик йигинлариди бирга эдим...

Карантин бошланган кезлар. Бир кун эрталаб ўйғониб, ўрнимдан тура олмадим. Бутун танам ўт бўлиб ёнарди. Тез ёрдам чақирдик. Шифокор тиббий қўриқлардан ўтиб, касалхонага ётишим кераклигини айтди. Сезиб турганингиздек, каронавирусга чалингандим. Юқумли касалликлар шифохонасида даволана бошладим. Шифохонадан қўлаб беморлар соғайиб чиқди, кимлардир оиласига қайтмади... Туну кун Аллоҳдан дардимга шифо сўрадим. Бир ой деганда оилам бағрига қайтдим. Яратганга беҳисоб шукрлар бўлсинки, фарзандларимни бағримга босиб насиб этди.

Инсон оғир кунларда қўриқларини эслар экан, уларнинг далдасига зор бўларкан. Опа-сингилларим, яқин қариндошлар турли егуликлар, тансиқ таомлар билан йўқлаб туришарди. Кунлар ўтарди... Мен дугоналаримни соғинардим. Аммо улар мени йўқлашмас, ўтиришларга чақиримасди.

Орадан 3-4 ой ўтиб, буткул соғайиб кетдим. Ўтган ойлар давомида дунё кўз ўнгимда бутунлай бошқа кўёфада намоён бўлди. Ҳаётнинг ўткиччилигини, умрнинг омонатлигини теранроқ англадим. Дугоналаримни соғинардим, аммо улар мени эслашмасди. Ўзим бир-иккисига кўнгирик қилсам, иш билан бандлигини, уй юмушларидан ортаётганини айтиб, совуқчина хайрлашарди.

Салкам ярим йил деганда уларнинг кири эшигидан кириб келди. Яхши кўриб олдим, елп-югуриб меҳмон қилдим. Кетар чоғи хафа бўлма, юринлар десам, келишмади, сени касал, тузалса борармиз, дейишди, деб кетди. Шифохонада ётган кунларим дугоналарим билан ўтган пайтларимни кўп эслагандим. 20 йиллик қадрларимни кўз ўнгимдан бирма-бир ўтганди. Соғайгач, улар билан бир дастурхонда, давраларда яна ўтирамиз, деб ўйлагандим. Афсуски, улар мендан ўзини олиб қочди, касали қўлаб қолади, деб мендан узоқлашибди...

Мен улардан хафа бўлмадим, фақат дилимда бир дунё саволлар пайдо бўлди. Саволларимни сўрагим келди, аммо сўрай олмаслигимни, бунга журъатим етмаслигини яхши биламан...

Ҳанифа ШАМШИЕВА

Эълон

ООО «CASH U MIKROKREDIT TASHKILOTI» (ИНН: 306385973), зарегистрированное в городе Ташкенте за №715861 от 25.04.2019 года, сообщает об уменьшении уставного фонда с 5 658 000 000,00 сум до 2 000 000 000,00 сум. По интересующим вопросам обращаться по адресу: город Ташкент, 30-й тулик Сагбан, дом 9. Тел. +99890 1743336

Ўзбекистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазирилик жамоаси Аму-Бухоро машина қаналидан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи Раззоқ Остонавга акаси **Расул ОСТОНОВ**нинг вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

"Қишлоқ ҳаёти" газетаси таҳририяти жамоаси газетанинг Наманган вилояти бўйича муҳбири Равшанбек Мирзаолимовга онаси **Каримахон ҲАЙИТОВА**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

QISHLOQ HAYOTI
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Ҳаммаси комплекси таркибидаги ҳамда бошқа дахлдор вазирилик ва идоралар.

Таҳрир ҳайъати:
Жамшид ХУҲАЕВ, Шавкат ҲАМРОЕВ, Шухрат ТЕШАЕВ, Мухаммаджон ТОШБОЛТАЕВ, Ақтам ХАЙТОВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Махмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Раимқул СУЯРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. НАШР ИНДЕКСИ – 144. Буюртма Ғ-1147. 1851 нусхада чоп этилди.

Манзиллари: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Телефонлар: Қабулхона – (0-371) 236-26-50. Факс – (0-371) 233-09-93. Реклама ва эълонлар – (0-371) 236-26-50, (0-371) 233-28-04. e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru Баҳоси келишилган нарҳда.

ISSN 2010-7021
Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 20.10